

**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ
МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Мухаматов Бобирмирзо Фарходович

Бухоро вилояти Пешку туман ИИБ катта инспектори, капитан

MBobir@gmail.com

АННОТАЦИЯ: *Мақолада юртимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ўтказилган ислохотлар, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби, ҳуқуқий асослари, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солинишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикрлар юритилган.*

Калит сўзлар: *жисмоний ва юридик шахслар, мурожаат, электрон мурожаат, ариза, таклиф, шикоят, конун*

**ОСОБЕННОСТИ РАССМОТРЕНИЯ ОБРАЩЕНИЯ
ФИЗИЧЕСКИХ И ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ**

Мухаматов Бобирмирзо Фарходович

Старший инспектор Отдела внутренних дел Пешкусского района

Бухарской области, капитан

MBobir@gmail.com

АННОТАЦИЯ: *В статье рассматриваются реформы, проводимые в нашей стране относительно рассмотрения обращений физических и юридических лиц, порядок рассмотрения обращений, правовые основы, особенности регулирования общественных отношений, связанных с рассмотрением обращений граждан.*

Ключевые слова: физические и юридические лица, обращение, электронное обращение, заявление, предложение, жалоба, закон.

**SPECIFIC CHARACTERISTICS OF CONSIDERING
APPLICATIONS OF NATURAL AND LEGAL ENTITIES**

Mukhamatov Bobirmirzo Farkhodovich

*Senior inspector of Internal Affairs Department of Peshku District of
Bukhara region, captain*

MBobir@gmail.com

ABSTRACT: *The article discusses the reforms being carried out in our country regarding the consideration of appeals from individuals and legal entities, the procedure for considering appeals, the legal framework, and the features of regulating public relations related to the consideration of citizens' appeals.*

Key words: *individuals and legal entities, appeal, electronic appeal, application, proposal, complaint, law*

Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳар қандай демократик давлатнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида ҳам инсон, унинг шаъни ва кадр-қиммати олий кадрият даражасига кўтарилган.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш жараёни қатъий ва изчил тус олгани, юртимиз фуқароларининг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси

тўғрисида”ги фармонида мурожаатлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга оид қўйилган вазифани амалда таъминланаётгани натижасидир. Фармонга мувофиқ ишлаб чиқилган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 августда қабул қилинди, Сенат томонидан 2017 йил 24 августда маъқулланди, 2017 йил 11 сентябрда ЎРҚ-445-сон билан Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан имзоланди, 2017 йил 12 сентябрда матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди¹.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 февралдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон фармонининг 3-бандида маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизими яратилиб, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали алоқаларни йўлга қўйиш орқали маҳаллаларнинг халқ олдидаги нуфузи оширилиши белгиланган².

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида “Ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони <https://lex.uz/mobileact/3107036>. (мурожаат санаси 04.08.02024й)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 февралдаги “ 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/5841063>.(мурожаат санаси 04.08.02024й)

таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт”³, деб қайд этилган.

Ушбу ҳуқуқ таъминланишининг самарали механизimini яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 май куни “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган эди. Лекин вақт ўтиши билан амалиётда юридик шахсларнинг, тadbirkorлар ва турли хўжалик юритувчи субъектларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда тартибга солиниши лозим бўлган масалалар, шу жумладан айрим муаммолар мавжудлиги намоён бўлди. Масалан: фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш; ушбу соҳадаги қонунбузилишлар учун жавобгарликни белгилаш; фуқароларнинг давлат органларига, мансабдор шахсларига мурожаатлар тартибини янада такомиллаштириш ва бошқалар.

Сўнгги йилларда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги ва бошқа шу каби қонунлар талаблари асосида ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, халқ билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар қилинди. Хусусан, 2014 йил 3 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ва 2017 йил 11 сентябрда эса ушбу қонун янги таҳририда қабул қилинди.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши: кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонунчилик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган мурожаатларга ва давлат органларининг,

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси .2023. 40-моддаси. <https://lex.uz/docs/6445145> (мурожаат санаси 04.08.02024й)

шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмаслиги белгиланган⁴.

Бундан ташқари, аввалги қонунга кўра, мурожаатлар оғзаки ёки ёзма шаклда берилган бўлса, мазкур қонун билан мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкинлиги белгиланди. Шунингдек аризалар, таклифлар ва шикоятлар мурожаатларнинг турлари ҳисобланади. Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга бўлади⁵.

Шу билан бирга, янги қабул қилинган Қонунда жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларини, улар кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган вақтда ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш йўли билан қайтариб олиш ҳуқуқи белгиланди.

Ушбу қонун талабларидан келиб чиқиб, Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ушбу қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарорига мувофиқ, “Ишонч телефонлари” орқали мурожаатларни қабул қилиш, расмийлаштириш ва кўриб чиқишнинг янги тартиби жорий қилинди, унга кўра мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга. Давлат органларининг, ташкилотларининг «ишонч телефони»га келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида мазкур Низомда белгиланган тартибда қайд этилади, рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади. Давлат органининг, ташкилотининг расмий веб-сайти орқали ёки давлат органининг, ташкилотининг расмий электрон почта манзилига келиб

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддаси. <https://lex.uz/docs/3336169>. (мурожаат санаси 04.08.02024й)

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси. <https://lex.uz/docs/3336169>.(мурожаат санаси 04.08.02024й)

тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади⁶.

Шу ўринда алоҳида эътироф этиш жоизки, “Ишонч телефонлари” вазирлик ва ҳудудий ички ишлар органларининг хизмат фаолияти аҳоли билан бевосита боғлиқ асосий соҳавий хизматларида ўрнатилган бўлиб, улар ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситалари орқали (тизимдаги “Ишонч телефонлари” руйхати вазирликнинг “Postda” ва “На посту” газеталарида) эълон қилинган ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайти(www.mvd.uz)га жойлаштирилган.

Ишонч билан айтишимиз мумкинки, “Ишонч телефонлари” орқали фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиниши жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларига ҳамоҳанг бўлиб, худди шунга ўхшаш “Ишонч телефонлари” ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа давлат идора ва ташкилотларида ҳам ишлаб турганини кўришимиз мумкин.

Замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларидан фойдаланиб, электрон мурожаатларни киритиш имкониятининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши ушбу қонуннинг муҳим жиҳатидир. Умуман олганда, ушбу ҳужжатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг кўшимча қафолатлари мавжуд. Қонуннинг қабул қилиниши давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ушбу соҳадаги ишини сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш имконини беради⁷.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 341-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/3730228> . (мурожаат санаси 01.08.2024й)

⁷ Якубов Ш.Х. Ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш фаолиятига ахборот коммуникация те хнологияларни жорий этиш тарихи. Фундаментал тадқиқотлар журнали . 2023. 6-сон. Б-4 <https://imfaktor.com/index.php/jofs/article/view/251/415> (мурожаат санаси 02.08.2024й)

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар бевосита ҳуқуқий таъсир этиш чораларини қўллаш ваколатига эгадирлар. Бунинг натижасида улар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмом қилиш хавфи пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам бундай ҳолат демократияга нисбатан реал хавфни келтириб чиқариши боис, ушбу органлар фаолиятини назорат қилиб туриш механизмининг мавжуд бўлиши талаб этилади. Ушбу органлар фаолиятида ана шунга ўхшаш қонунлардан четга чиқиш ҳолатлари юз берса, бунинг оқибатида ушбу давлат органларининг, умуман, давлатнинг обрўсизланишига, амалда уларга нисбатан халқ ишончининг кескин пасайишига ва бошқа кўплаб салбий оқибатларга олиб келади ⁸.

Замонавий дунёда айна вақтда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш қобилияти, манфаатларнинг умумий қадриятларини шакллантириш, турли манбалардан маълумотларнинг мавжудлиги ва бошқалар каби жараёнларни назарда тутадиган глобаллашув жараёни шаклланиб бормоқда. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларига улкан таъсир кўрсатаётган технологик тараққиёт даврида ички ишлар органларининг халқ билан мулоқоти катта аҳамиятга эга ҳисобланади⁹

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳар бир фуқаронинг муҳим конституциявий ҳуқуқи бўлиб, қайсидир маънода унинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишдек сиёсий ҳуқуқларининг узвий қисмини ташкил этади. Фуқаролар мурожаат қилиш орқали бузилган ҳуқуқларини, эркинликларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳамда жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича тегишлича ўз

⁸ *Самтаров А.Х.* Теория прав человека и актуальные проблемы защиты прав человека в деятельности органов внутренних дел: Автореферат дис-я д-ра юрид.наук. –Т., 2003. –С.3; *Исмоилов Н.Т.* Коррупция – тараққиёт кушандаси. Postda газетаси. №27(4128), 2015 йил 4 июль.Б.8.

⁹ *Эгамбердиев В.О.* Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш фаолиятининг долзарб масалалари. SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 1 ISSUE 7. Б-376. <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekiston-respublikasi-ichki-ishlar-organlarida-zhismoniy-va-yuridik-shahslarning-murozhaatlarini-k-rib-chi-ish-faoliyatining/viewer>. (мурожаат санаси 03.08.2024й)

илтимослари, талаблари ва тавсияларини илгари сурадилар. Қабул қилинган конун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва унинг ресурсларидан фойдаланиб мурожаатларни киритиш имкониятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли Фармони <https://lex.uz/mobileact/3107036>. (мурожаат санаси 04.08.02024й)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 февралдаги “ 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/5841063>.(мурожаат санаси 04.08.02024й)

3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси .2023. 40-моддаси. <https://lex.uz/docs/6445145> мурожаат санаси 04.08.02024й)

4. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни <https://lex.uz/docs/3336169>.(мурожаат санаси 04.08.02024й)

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 341-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/3730228> . (мурожаат санаси 01.08.02024й)

6. *Якубов Ш.Х.* Ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш фаолиятига ахборот коммуникация технологияларни жорий этиш тарихи. Фундаментал тадқиқотлар журнали . 2023. 6-сон. Б-4 <https://imfaktor.com/index.php/jofs/article/view/251/415> (мурожаат санаси 02.08.2024й)

7. *Саттаров А.Х.* Теория прав человека и актуальные проблемы защиты прав человека в деятельности органов внутренних дел: Автореферат

дис-я д-ра юрид.наук. –Т., 2003. –С.3; *Исмоилов Н.Т.* Коррупция – тараққиёт кушандаси. Postda газетаси. №27(4128), 2015 йил 4 июль.Б.8.

8. *Эгамбердиев В.О.* Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш фаолиятининг долзарб масалалари. SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 1 ISSUE 7. Б-376. <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekiston-respublikasi-ichki-ishlar-organlarida-zhismoniy-va-yuridik-shahslarning-murozhaatlarini-k-rib-chi-ish-faoliyatining/viewer>. (муурожаат санаси 03.08.2024й)